Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши
Андижанский городской Кенгаш народных депутатов

ҚАРОР – РЕШЕНИЕ

Андижон ш.

28 декабрь 2020 йил *№93/15-6*

Андижон вилояти Андижон шахрининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига мувофиқ, 2021 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 27, 99-моддалари, “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан ҳамда Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг “Андижон вилоятининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг 2020 йил 28 декабрдаги 73/18-6-сонли “Андижон вилоятининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қарорга асосан 2021 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари шаҳар бюджетига тўлиқ ўтказилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

– айланмадан солиқ;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага беришдан тушадиган даромадлар.

б) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкогол махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

Шу билан бирга, қарорнинг 4-иловасига мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи шаҳар бюджетига ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қонунга асосан шаҳар маҳаллий бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) вилоятдан молиялаштирилувчи биринчи ҳамда иккинчи болалар-ўсмирлар спорт мактаблари шаҳар бюджетидан молиялаштирилади;

б) шаҳар бюджетидан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўрисида”ги ПФ-6099-сонли фармони ижроси борасида Жисмоний тарбия ва спорт бўлимига юридик мақом берилсин ҳамда бўлимнинг сақлаб туриш билан харажатлари махаллий бюджетдан молиялаштирилсин.

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги КҚ-161-IV-сонли қарорига асосан шахар депутатлари Кенгашининг котибияти ташкил этилсин ҳамда бўлимнинг сақлаб туриш билан харажатлари махаллий бюджетдан молиялаштирилсин.

4. 2021 йил учун шаҳар бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Шаҳар бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Шаҳар бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан шаҳар маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда шаҳар ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Маҳаллий ҳокимликларни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш бўйича маъсулиятини ошириш орқали маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бўлган манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида айланмадан солиқ ва давлат активларини ижарага беришдан тушумлар тўлиқлигича шаҳар бюджетига ўтказилганлиги, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи вилоят бюджети ҳамда шаҳар бюджети ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2021 йил учун шаҳар бюджети захира жамғармаси ҳажмлари **2 млрд.199 млн. сўм** миқдорида белгилансин.

Шаҳар ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини шаҳар бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

8. Шаҳар бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан шаҳар ҳокимлигининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

Шаҳар ҳокимлиги шаҳар бюджети қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирсин.

9. Шаҳар ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йил охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритсин.

10. Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган

тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

11. Андижон шаҳар маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар тегишли ҳокимликларнинг расмий веб сайтларига мажбурий тартибда жойлаштириб борилсин.

12. Шаҳар ҳокимлиги:

Шаҳар бюджетини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

13. Вазирлик идораларининг шунингдек, вилоят ташкилоти, шаҳар ва шаҳарларидаги ўрганиш бўйича тузилган йўл хариталари ҳамда йиғилиш баённлари билан маҳаллий бюджетларнинг харажатларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

14. Шаҳар ҳокими бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун тегишли Кенгашга маълумот киритсин.

15. Шаҳар ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

16. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгашининг раиси **Б.Хайдаров**

Халқ депутатлари
Андижон шаҳар Кенгашининг
2020 йил «28» декабр даги
93/15-6 -сонли қарорига
1-илова

Андижон шаҳар маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2021 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**204 600 350,0**
1	Корхоналар айланмасидан солиқ	33 149 000,0
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	98 750 250,0
3	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	10 242 000,0
4	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	13 053 000,0
5	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	10 991 000,0
6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 546 000,0
7	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	300 000,0
8	Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад	36 569 100,0
	шундан: алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	*23 746 110,0*
	мобиль алоқа хизмати	*12 822 990,0*
	Юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар	**17 464 894,0**
	Хамма даромадлар	**222 065 244,0**

Халқ депутатлари
Андижон шахар Кенгашининг
2020 йил «28» декабрь даги
93/15-6 -сонли қарорига
2-илова

2021 йил учун Андижон шахар махаллий бюджетидан маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**222 065 244,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**222 065 244,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
1.	**Халқ таълими бўлими**	**21 058 992,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	21 058 992,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2.	**Мактабгача таълим бўлими**	**17 914 529,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	17 914 529,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3.	**Соғлиқни сақлаш бўлими**	**100 996 455,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	100 996 455,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	**Маданият бўлими**	**9 083 723,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9 083 723,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5.	**Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**6 490 495,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 490 495,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6.	**Ветеринария бўлими**	**542 708,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	542 708,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7.	**Меҳнат бўлими**	**1 088 279,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 088 279,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

№	Кўрсаткичлар	миқдори
8.	**Молия бўлими**	**887 077,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	887 077,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9.	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**33 160 048,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	33 160 048,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10.	**Маҳаллий ҳокимят**	**29 676 554,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	29 676 554,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11.	**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бўлими**	**1 166 384,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 166 384,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари
Андижон шаҳар Кенгашининг
2020 йил «24» декабрдаги
93/456-сонли қарорига
3-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратмалар мсъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шаҳар номи	Фойда солиги	Айланма-дан олинадига нсолиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	Жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиги	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиги	Қурилиш материаллари бўйича ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахслардан олинадиган ер солиги	Йиғим-лар*	Давлат божлари*	Жарима-лар*	Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари
1	Андижон шаҳри	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100

*Давлат божлари, жарималар ва йиғимларнинг айрим турлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тегишли бюджетларга ажратма қилиниши мумкин